

Навбатдаги фуқаролар қабули бўлиб ўтди



Туман фуқароларининг мурожаатларини тинглаб, масъуллар иштирокида ечим топиш мақсадида ҳафтанинг ҳар душанба куни фуқаролар қабули ўтказилмоқда.

Бугун, шу мақсадда навбатдаги қабул туман ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигида ўтказилди. Қабулда 21 нафар фуқаронинг йўл таъмири, моддий ёрдам ажратиш, уй-жой, ичимлик суви, электр энергия ва газ таъминоти ҳамда бошқа масалалардаги мурожаатлари тингланди.

Мурожаатларнинг айримлари шу ернинг ўзида ҳал этиб берилди. Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган мурожаатлар тегишлилиги бўйича масъулларга йўналтирилиб, ижроси назоратга олинди.